

4/2023,
iyul-
avgust
(№ 00066)



МИНТАҚАЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Рашидов Мэлс Каримович

и.ф.ф.д. (PhD) Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети доценти mels_rashid_k@mail.ru
<https://orcid.org/0009-0006-4587-095X>

Тошимов Шахзод Бурхон ўғли

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ўқитувчиси toshimovshahzod1@gmail.com
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a19

Аннотация

Мақолада асосан мамлакатимиз минтақаларида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш бўйича сўнги вақтларда амалга оширилаётган ишлар, бу ишларнинг мамлакатимиз тараққиётига таъсири, шу билан бирга эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарда дуч келинаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: эркин иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, бошқарув тизими, жойлаштириш, инвестор, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар.

НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗМЕЩЕНИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ И МЕЛКОПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН В РЕГИОНАХ

Мэлс Каримович Рашидов

доктор философии по экономике (PhD) доцент Навоийского государственного горно-технологического университета

Тошимов Шахзод Бурханович

Преподаватель Навоийского государственного горно-технологического университета

Аннотация

В статье основное внимание уделяется работам последнего времени по созданию свободных экономических и малых промышленных зон в регионах нашей страны, влиянию этих работ на развитие нашей страны, а также проблемам, возникающим при создании свободных экономических и малых промышленных зон. промзоны и их ликвидация, представлены предложения и рекомендации.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, малая индустриальная зона, система управления, размещение, инвестор, финансовая отчетность, международные стандарты.

Mels Karimovich Rashidov

i.f.f.d. (PhD) Associate Professor of Navoi State University of Mining and Technologies

Toshimov Shahzodjon Burkhanovich

Teacher of Navoi State University of Mining and Technologies

Abstract

The article focuses on the recent works on the establishment of free economic and small industrial zones in the regions of our country, the impact of these works on the development of our country, as well as the problems encountered in the free economic and small industrial zones and their elimination. suggestions and recommendations are presented.

Key words: free economic zone, small industrial zone, management system, placement, investor, financial reporting, international standards.

Кириш

Мамлакатимизда ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари минтақаларни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизатсия қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз минтақаларидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ва кам қувватли объектлар хатловдан ўтказилиб ва улардан келгусида самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва бу жараён янада изчил ҳолда давом эттирилмоқда. Иш жараёнлари тўхтаб қолган ва кам қувватли корхоналар, бўш ер участкалари ва бошқа объектлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Дастлаб, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятидаги қонунчилигимиз асосларини Ўзбекистон Республикаси Президентнинг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сонли Фармони[1] ва 2017 йил 9 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлили"га бағишланган йиғилишдаги маърузаси[2]лари асосида шакллантириш лозимлигини англаш мумкин.

Мамлакат ва минтақа иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарнинг умумназарий жиҳатлари хорижий олимлар Сюй Цзоше, Цай Женьцюнь, А.Аггарвал¹ ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари олимларидан К.Бабагулов, А.Есентугелов, Е.Авдокушин, Т.П.Данько, З.М.Окрут, М.С.Гуцериев, Ю.Комлев² сингари олимлар

¹ Сюй Цзоше, Цай Женьцюнь. Специальные экономические зоны Китая. Новосибирск, 1993.; Аггарвал А. "Экспорт жарёнида зоналарнинг ишлаши: қиёсий таҳлил Шри-ланка ва Бангладеш" Халқаро иқтисодий муносабатлар(ICRIER). – Деҳли, 2015.

² Бабагулов К., Есентугелов А. Концепция создания и функционирования свободных экономических зон в Республике Казахстан. – Алматы, 2012. С.54-59.; Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. – М., 2013.; Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные

томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудий муаммолари, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири ва бошқарув жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.В.Маматқулов, А.Р.Холиқулов, Ҳ.Р.Ҳамроев³ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида минтақавий иқтисодиётда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг турли йўналишдаги муаммолари ёритилган. Аммо уларнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсири, жойлаштириш омиллари ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатда яратилган эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш, уларнинг минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Таҳлил ва натижалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир минтақада ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этишда уларни минтақа ҳудудларига жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатимиз минтақаларини ушбу эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг турларига мос ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда[3].


Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларини бориб кўрди. Улардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди. Мамлакатимиздаги эркин зоналар сони бугунги кунда 14 тани ва кичик саноат зоналари сони 100 дан ошди[4].

экономические зоны России. – М.: Изд. Росс.экон.академик.им. В.Плеханова, 1995.;Гуцериев М.С. Свободные экономические зоны (опыт, проблемы, перспективы), (монография). – М.: НПО Школа-Издательство «Открытый мир», 1997.; Комлев Ю. Свободные экономические зоны: зарубежный опыт. – Алма-Ата, 2006.

³ Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. “Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan’s development strategy”. – Tashkent, 2018.; Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. – Т., 2002. 186 б.; Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал оқёсат. – Тошкент: Фан, 2008.


1-расм

Мамлакатимиз минтақаларидаги эркин иқтисодий зоналарнинг жойлашуви⁴



2-расм

Мамлакатимиз минтақаларидаги кичик саноат зоналарининг жойлашуви⁵




Мамлакатимиз минтақаларида ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили қуйидагича (2022 йил 1 январ ҳолатида):

⁴ www.fez.uz график маълумотлари асосида тайёрланди.
⁵ www.fez.uz график маълумотлари асосида тайёрланди.


1-диаграмма.

Мамлакатимиз минтақаларидаги кичик саноат зоналарининг сони(та) ⁶




2-диаграмма.


Минтақалардаги кичик саноат зоналарида амалга оширилган лойиҳалар сони ⁷



3-диаграмма.
 Минтақалардаги кичик саноат зоналарида амалга оширилган лойиҳаларнинг қиймати⁸



4-диаграмма.
 Кичик саноат зоналарида яратилган иш ўринлари сони(киши)⁹



⁸ www.stat.uz маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

⁹ www.stat.uz маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

1-жадвал.

Мамлакатимиз минтақаларидаги кичик саноат зоналарида 2023-2025 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган инвестицион лойиҳалар кўрсаткичлари таҳлили¹⁰

Минтақалар номи	Лойиҳалар сони	Инвестицион лойиҳа қиймати (млрд.сўм)	Яратилиши режалаштирилган иш ўрни(киши)
Қорақалпоғистон Республикасида	65	229,4	1 486
Андижон	157	452,8	4 365
Бухоро	130	811,9	4 643
Жиззах	75	302,6	1 385
Қашқадарё	93	340	2 022
Навоий	44	201,1	1 159
Наманган	956	5 411,6	44 870
Самарқанд	133	588,8	3 756
Сурхондарё	124	284,8	1 370
Сирдарё	28	193,5	827
Фарғона	457	5 203,0	18 875
Хоразм	34	71,5	669
Тошкент	98	1 461,0	3 694
Тошкент ш.	25	240,4	912

Дастлаб, Мамлакатимиз минтақаларидаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида ўз фаолиятини олиб бормоқчи бўлган инвестор эркин иқтисодий зона дирекциясига эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун тўлдирилган инвестиция буюртманомасини тақдим этади, унга қўйидагилар илова қилинади:

- юридик шахснинг (инвесторнинг) рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ёки ушбу инвесторнинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
- тавсия қилинаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси(лойиҳа);
- инвесторнинг тегишли соҳадаги иш тажрибаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумот. Агар мавжуд бўлмаган тақдирда, инвестор дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади;
- инвесторнинг охириги уч йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот.

Маъмурий кенгаш киритилган инвестиция буюртманомалари ва бизнес-режаларни кўриб чиқади ва лойиҳани эркин иқтисодий зона ҳудудида амалга ошириш мумкинлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштириш зарурлиги ёки зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Дирекцияга тақдим этилаётган бизнес-режа(инвестицион лойиҳа)да қўйидаги асосий ҳолатлар акс эттирилган бўлиши керак:

юримдик шахсининг ёки унинг тасъсисчиларининг ташкил этилганлиги, уларнинг тегишли соҳада ва ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишда тажрибага эгалиги тўғрисидаги маълумот;

ходимларни ишга қабул қилиш манбаси (маҳаллий-коллеж битирувчилари, меҳнат биржаси томонидан йўналтирилган шахслар, бошқа ташкилотлар ишчилари ва чет элдан мутахассис жалб этиш) кўрсатилган, ташкил этилаётган иш ўринлари;

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг номи, ҳажмлари ва ўзига хослиги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархлари ва сотиш бозорлари, маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиш ҳажмларини кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари;

хом-ашё базасининг мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хом-ашё ва материаллар билан таъминлашнинг кафолатланган имконияти, маҳаллий ва импорт материаллар, бутловчи ускуналарни ажратиш кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва дастлабки 4 та белгилардан бири даражасида бошланғич хом-ашёга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди (ТИФ ТН коди - 2017 йил таҳрири) бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг ўзгариши;

ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни ҳамда тайёр маҳсулотни ташиш ва логистикаси;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган инфратузилма ва муҳандислик иншоотлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва техник сув, канализация, автойўл) ҳажми;

ишлаб чиқариш ажратмаларининг мавжудлиги, газларнинг тури ва ҳажми ҳамда қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудидаги участканинг мўлжалланаётган ўлчамлари;

асосий ишлаб чиқариш цехи, ускуна ва технологик линиялар, маъмурий-маиший, омбор ва бошқа ёрдамчи биноларнинг жойлашиши кўрсатилган ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг дастлабки чизмаси;

ишлаб чиқариш технологиясининг (экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда) технологик ускуналар, ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва давлатлари рўйхати кўрсатилган тавсифи;

ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти, уларнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган менежмент тизимининг жорий этилиши;

мўлжалланаётган инвестицияларнинг ҳажми, тури ва муддатлари, молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлари ва молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар.

Дирекция тақдим этилган ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 16.01.2018 йилдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги юзасидан 2 иш кўни мобайнида кўриб чиқади. Агар талаблар бузилган ҳолда тақдим этилган инвестиция буюртманомалари, камчиликлари кўрсатилган ҳолда, кўриб чиқилмасдан инвесторга қайтарилади.

Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари:

аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пўхта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

кичик саноат зоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Кичик саноат зоналари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар:

Кичик саноат зоналари ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас.

Кичик саноат зоналар иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик

инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддати асоссиз чўзилмоқда;

Кичик саноат зоналаридаги инвестиция лойиҳаларига мувофиқ етарлари даражада зарур электр энергияси, ичимлик суви, газ ҳамда бошқа ижтимоий инфратузилма воситалари билан таъминланган;

Лойиҳа ташаббаускорларига ўрнатилган тартибда кичик саноат зоналари аъзолигини тасдиқловчи гувоҳномалар берилишда сансоларлик ҳолатлари юзага келмоқда;

Юқоридаги келтирилган шу ва бошқа қачилиқдар кичик саноат зоналаридаги инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш ҳамда банк имтиёзларини қўллашда салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

2-жадвал.

Бугунги кунда умумий ҳолда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги инвестицион иқлимнинг SWOT-таҳлили

Кучли томонлар (S – strengths)	Кучсиз томонлар (W – weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> -эркин божхона ҳудуди тартиби ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида тартиби амал қилиши (солиқ имтиёзлари, маъмурий тартибга солишнинг соддалаштирилган тизими-“ягона дарча” тамойилининг амал қилиши; -зонанинг замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги; - йирик транспорт коммуникациялари яқинида жойлашганлиги каби бир қатор табиий-логистик устуворлик; - Катта табиий-ресурс салоҳияти ва қ/х маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда қулай табиий шароит - арзон ишчи кучи 	<ul style="list-style-type: none"> - ташқи муҳит ўзгаришларига тезда мослаша олмаслик; - резидент-корхоналари инвестицион фаоллиги ва унда кечаётган инновацион жараёнларнинг нисбатан сустлиги; - зонани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағларининг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилиши, коррупцион схемалар ҳамон сақланиб қолаётганлиги, солиқдан қочиш мақсадида корхоналар томонидан спекулятив схемалардан кенг фойдаланилиши; - ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицион ресурслар бозорида фаолият олиб бориш кўникмасига эга бўлган, ҳамда, муҳандислик йўналишларида илмий техник малакали мутахассислар етишмаслиги; - зоналар тўғрисида хорижий сармоядорлар ўртасида салбий фикрлар мавжудлиги - ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги - экспорт географиясини торлиги -зонада замонавий АКТ, маркетинг ва менежмент тизимларининг ривожланмаганлиги
Имкониятлар (O – opportunities)	Хавф-хатарлар (T – threats):
<ul style="list-style-type: none"> - ташқи иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсати; -марказий осие давлатлари ва шунингдек МДҲ давлатлари доирасида интеграцион 	<ul style="list-style-type: none"> - зона фаолиятини тартибга солиш борасида давлатнинг пухта ўйланган сиёсатини ифода этувчи стратегия ва концепцияларнинг мавжуд эмаслиги; - зона бошқаруви мустақиллик даражасининг пастлиги; - зона ташкил этишдан кўзланган

алоқаларнинг янада кучайиб бораётганлиги; - очиқ инновациялар моделининг кенг қўлланилиши; - хорижий ҳамкорлар билан биргаликда тадқиқотларни амалга ошириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш; -юқори технологияли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилиши; - зонанинг нуфузини ошириш мақсадида моҳирона менежмент ва маркетинг стратегияларининг амалга оширилиши	мақсадларга эришишда хусусий инвестор ва резидентларнинг қизиқиш ва манфаатдорлигининг пастлиги; - зона резидентлари фаолиятини баҳолашнинг самарали тизимининг мавжуд эмаслиги; - хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ривожланаётган мамлакатлар ўртасида рақобат курашининг тобора шиддатли тус олиши
---	---

Манба: муаллиф ишланмаси

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши оқибатида мамлакатга кўплаб инвестицияларни оқиб келишини кузатишимиз мумкин. Мамлакат ташки иқтисодий фаолияти янада ривожланиб, ташқи савдо, экспорт ва импорт операциялари янада ривожланади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштириб, уни ривожланишига олиб келади. Бунинг учун авваламбор, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва жойлашув манзилни тўғри танлаш;

-ҳудудлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўналишини ва истиқболини аниқлаш;

-эркин иқтисодий зоналарда кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;

-чет элда ва мамлакат ваколатхоналарида эркин иқтисодий зоналар манфаатларини кўзловчи, инвесторларни жалб этиш учун информацион реклама тадбирларини ўтказиш;

-оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида мамлакатда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар имкониятлари ҳамда салоҳияти бўйича жозибадорлигини ифодаловчи рекламаларни кучайтириш” эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда юқорида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича аниқлаш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини раванқи ва иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз мавқеига эга бўлишига олиб келади.

Таҳлиллар давомида шунга амин бўлдики, қуйидаги мулоҳазаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- кичик саноат зоналарда коммуникация тармоқларини улаш бўйича Республика бюджети ва тегишли вазирликлар манбаалари ҳисобидан ўз вақтида ва етарли даражада молиялаштирилишини назорат қилиш;

- кичик саноат зоналари иштирокчиларини танлаб олишда ва уларни рўйхатдан ўтказиш ишлари “Ягона давлат хизматлари” портали орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш;

- кичик саноат зоналаридаги ҳар бир лойиҳани “Йўл харитаси”да белгиланган муддатларда амалга оширилишини мониторинг қилувчи, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борувчи, тегишли маълумотларни вазирликлардан олиш ваколатига эга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ягона тузилма (Россия федерациясининг “Эркин иқтисодий зоналар” АЖ мисолида) ва унинг қуйи бўғинларини ташкил этиб, барча эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ушбу тузилма таркибига киритиш;

- маъмурий кенгашнинг йиғилиш баёни билан тасдиқланган ҳар бир лойиҳанинг мониторингини юритиш бўйича онлайн базани шакллантириш ва маълумотларни доимий янгиланиб туришини таъминлаш;

- кичик саноат зоналарига бириктирилган тижорат банкларини инвестиция лойиҳалари билан ишлашда масъулиятини ошириш;

- кичик саноат зоналарида тақдим этилаётган бўш ер майдонлари ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, хорижий нашрларда, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилишини таъминлаш. Бунда, ушбу роликларни телевиденияларда реклама қилиш нархларида имтиёзлар яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармони 26.10.2016 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлили”га бағишланган йиғилишдаги маърузаси 9.10.2017 й.

3. Рашидов М.К. Ўзбекистон минтақаларида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш// Монография.- Навоий: “Азиз китобхон” нашриёт, 2022 - 156 б.

4. Рашидов М. К. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2019. № 1, январь-февраль

5. Интернет манбалар.

www.cer.uz

www.stat.uz

www.lex.uz

www.worldbank.org

www.invest.gov.uz

www.spot.uz

www.uis.unesco.org

www.norma.uz

www.biznes-daily.uz